

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 2

«09» Ноябрь 2022 йил

«PREMIUM MEDIA METALL» MCHJ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари И.Жураев номидан, бир томондан ва АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё вилоят филиали, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, узининг номидан раҳбар О.Ражабов, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё вилоят филиалида Услуга ўрнатилган автоматического устройства для ворот ишларини бажаришни, «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига олдилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 35 500 000 (Уттиз беш миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан ишларнинг қиймати 35 500 000 (Уттиз беш миллион беш юз минг) сўм.

2.2. Қурилиш ишларининг бошланиши

Шартнома имзолангандан кундан

2.3. Қурилиш ишларининг тугаш вақти 14 иш куни

3. ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3, бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнги ишларини бошлайди.

3.3. «Буюртмачи» томонидан Ишларини бажариш даврида «Пудратчи» га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Ишлар тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Ишларни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТУЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4.2. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 35 500 000 (Уттиз беш миллион беш юз минг) сўм бўлган ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилиш.

5.3. Ҳар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган қурилиш монтаж ишлари тугрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар қурилиш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- ишлармуддати 30 кунга кечиктирилса, шартномабаҳосидан 0,5 % миқдориди;

- кейинги 30 кун учун шартнома баҳосидан 20 % миқдориди;

- ундан кейинги муддатлар учун 50 % миқдориди;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 5-шакл бажарилган ишлар далолатномасини ҳамда 3-шакл "Бажарилган ишлар тугрисида Маълумотнома ҳисоб-фактура" тузади.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1.Шартномада кўрсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг тўланмаган нархини 0,4 % миқдорда «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2.«Буюртмачи» ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3.«Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблаг доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 5-шакл бажарилган ишлар далолатномасини ҳамда 3-шакл "Бажарилган ишлар тугрисида Маълумотнома ҳисоб-фактура" «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1.Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

Шартнома томонлар томонидан имзолагандан кейин қонуний қучга киради.
Шартнома **2022 йил 31декабргача** амалда бўлади.

Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб бир хил юридик қучга эга ва томонларни ҳар бирига бир нусхадан берилади.

9. БОШҚА ХОЛАТЛАР

9.1.Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан узаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

10.Томонларнинг юридикманзилларива банк реквизитлари

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

«PREMIUM MEDIA METALL» МСН
манзили: Қарши тумани Нукробод МФЙ
тел/факс 998 90 609-08-65
Х/р .20208000800787745001
Банк номи: Ҳамкор банк Қарши ф-ли
МФО: 01031
ИНН: 304982517
ИФУТ: 41201

АТИБ "Ипотека банк"Қашқадарё вилоят
филиали
манзили: Қарши шаҳар Мустақиллик кучаси 49 уй.
Тел.(78)771-16-22
ШХР: 29802000600000190102
ИНН: 202858483
ОКОНХ:
МФО: 00190

Раҳбар: **И.Жураев.**

Раҳбар: **О.Ражабов**



М.У.

(ИМЗО)

